

Ушбу сонда:

2

ТАШАБУСКОРЛАР СУЯНЧ ТОҒИ - ПРЕЗИДЕНТИМИЗДИР!

3

ОРОМБАХШ СИҲАТТОҒЛАР ЧОРЛАЙДИ

4

ОТ СПОРТИ НЕГА ОҚСАЯПТИ?



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 7 март, сешанба №35 (867)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШГА ЭЪТИБОР

Жизжада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари буйича ишчи гуруҳининг вилоятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган йилгилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий Мажлисининг фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари буйича ишчи гуруҳи раҳбари Б.Эшонов анжуманда сўзга чиқиб, бу борада вилоятда муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлаш билан бирга, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқ тарбиячи органлари, олий ва ўрта махсус билим юрталарининг ҳуқуқшунос олим ва ўқитувчилари, вилоят радио ва телевидениеси, бошқа оммавий ахборот воситалари ҳамда мазкур ишга дахлдор жамоат ташкилотларининг ўрни ва вазифаларига баътафсил тўхтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Рангли металл парчалари ва чикиндилари ўғриланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ишлаб чиқариш-техника буюмлари парчалари ва рангли металл чикиндилари ўғриланиши ҳамда ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш, республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек қимматли хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 5 февралдаги ПФ-2212-сон Фармонида муювчи раангли металл парчалари ва чикиндиларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетиш тақиқланганлиги қайд этиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита билан биргаликда ишлаб чиқариш-техника буюмлари парчалари ва рангли металл чикиндиларининг чегара қинидаги темир йўллар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси бўйлаб жойлашган автомобиль ўтиш ва айланб ўтиш йўллари орқали қонунга зид равишда олиб чиқиб кетилишини бартараф этиш юзасидан қатъий тезкор чора-тадбирлар кўрсин.

3. Белгилансинки, фақат «Ўзқишлоқ» корпорацияси билан биргаликда ишлаб чиқариш-техника буюмлари парчалари ва рангли металл чикиндиларини ҳудудда рангли металл парчалари ва чикиндиларини тайёрловчи ваколатли орган ҳисобланади.

4. Рангли металл парчалари ва чикиндиларининг жисмоний шахслар томонидан тайёрланиши ҳамда улардан «Ўзқишлоқ» корпорацияси билан биргаликда ишлаб чиқариш-техника буюмлари парчалари ва рангли металл чикиндиларини тайёрловчи ташкилотларида қабул қилиниши тақиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлар, метрология ва сертификация маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда уларнинг минтақавий органларининг рангли металл парчалари ва чикиндилари стандартлари талабларига ва санитария меъёрларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосалари мавжуд бўлган тақдирдагина улардан ҳалқ истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда «Ўзқишлоқ» корпорацияси билан биргаликда ишлаб чиқариш-техника буюмларини ўғирлаш ҳамда рангли металл парчалари ва чикиндиларини тақсимлаш чоғида ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта бизнесга тегишли қайта ишлаш корхоналари эҳтиёжларини белгиланган тартибда назарда тутсинлар.

«Ўзқишлоқ» корпорацияси билан биргаликда ишлаб чиқариш-техника буюмларини ўғирлаш ҳамда рангли металл парчалари ва чикиндиларини сотишга руҳсат этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда рангли металлдан тайёрланган ишлаб чиқариш-техника буюмларини ўғирлаш, рангли металл парчалари ва чикиндиларини сотиш билан бир ноқонуний хатти-ҳаракат юзасидан батафсил равишда жавобгарликка тортилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси рангли металл парчалари ва чикиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва сотиш юзасидан назоратни кучайтирсин, рангли металл парчалари ва чикиндиларини буйича ҳар бир ноқонуний хатти-ҳаракат юзасидан батафсил равишда жавобгарликка тортилсин.

8. Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари аҳоли ўртасида рангли металл парчалари ва чикиндиларини билан ноқонуний муомала қилиш ва уларни республика ҳудудидан олиб чиқиб кетиш, ҳаво ва кабель алоқа линиялари ҳамда электрзаткичларга қасддан зарар етказиш учун жавобгарлик ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бурсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 4 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ БАҲОРГИ ЭКИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ҲАМДА 2000 ЙИЛДА ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ХАРИД ҚИЛИНАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Толасининг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган гўзанинг селекция навларини республика минтақаларининг тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштириш, хўжаликларни уруғлик чигит билан қафолатли таъминлаш ва 2000 йил ҳосили учун баҳорги дала ишлари бутун комплексини уюшқоқлик билан ўтказиш, давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида таъминлаш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги 491-сон қарорига қисман ўзгартириш киритиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг 2000 йил ҳосили учун чигит экиш майдонлари, гўза навларини жойлаштириш ва пахтанинг ялли ҳосили миқдори тўғрисидаги тақлифларга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2000 йилда гўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини сезиларли даражада ошириш бўйича ташкилий ҳамда аграгехника тадбирлари комплексининг ўз вақтида ўтказилишини таъминласин.

2. 2000 йил ҳосили учун уруғлик чигитни тайёрлаш ва вилоятларда ташувар бўйича топшириқ тасдиқлансин.

«Ўздаватхасаноатсотиш» уюшмаси уруғлик чигит тайёрлаш сифатини яхшилаш, уларни тозалаш, навларга ажратиш, туқсизлантириш, сархиллаш ва дориланиш 10 мартгача тугаллаш чора-тадбирларини кўрсин. Уруғлик чигит хўжаликларга гўза навларини жойлаштиришнинг ушбу қарор билан тасдиқланган тартибига қатъий риоя этган ҳолда берилсин.

3. 2000 йил учун пахта толасининг давлат харидлари ҳажми уни еттиштириш ҳажмининг 30 фоизи даражасида сақлаб қолинсин. Белгилансинки, давлат харидларининг тасдиқланган ҳажмидан ортиқча пахта хом ашёсидан олинган пахта то-

ласи хўжаликлар томонидан шартномавий нархлари бўйича пахта тайёрлаш топшириги бажарилган тақдирда сотилади.

4. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган 2000 йилда етиштирилган пахта хом ашёсига ўртача харид нархлари ҳар тонна учун 52000 сўм миқдоридан белгилансин.

Белгилансинки, 2000 йилда топширилган пахта хом ашёсига тўлов пахта-ни қайта ишловчи заводлар томонидан қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига топширилган пахта хом ашёсига ҳажми қийматининг 80 фоизи ҳисобидан 7 банк куни давомида, 20 фоиз миқдоридан ортиқ ҳисоб-китоб эса - пахта толаси чиқишини ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаш яқунлари бўйича амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Ўздаватхасаноатсотиш» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги 491-қарори билан тасдиқланган гўза навларини янгилаш ва жойлаштириш ҳамда селекция ва уруғчилик соҳасидаги ишларни жадаллаштириш да-

стурининг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар. Дастурнинг бажарилиши тўғрисида ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг феврал ойида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. «Ўзқишлоқхўжалик» таъминотузастиш» давлат-кооператив маҳсулотларининг хўжаликларга белгиланган тартибда, лимитлар доирасида, «Ўзқишлоқ» уюшмаси эса - минерал ўғитларнинг экиш мавсуми даврида узлуксиз етказиб берилишини, «Ўзқишлоқхўжалик» таъминотузастиш» давлат-кооператив қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги гўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини экишда техникадан юқори унум билан фойдаланилишини таъминласинлар.

7. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган 2000 йилги бошқоқлик дон экинлари ҳосили учун ўртача харид нархлари қуйидаги миқдорларда белгилансин:

бугдўғининг 1 тоннаси учун 21810 сўм;
жавдўғининг 1 тоннаси учун 20720 сўм;

арна ва сулининг 1 тоннаси учун 17450 сўм.

Белгилансинки, давлат эҳтиёжларидан ортиқча тайёрланган бошоқли дон экинлари ҳажми шартномавий баҳо бўйича харид қилинади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, «Ўздаватхасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўздаватхасаноатсотиш» давлат-акциядорлик корпорацияси, «Ўздаватхасаноатсотиш» уюшмаси билан биргаликда мазкур қарор билан белгиланган харид нархларидан келиб чиққан ҳолда илгари тузилган контрактация шартномаларига ўн кун мuddатда тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишини таъминласинлар;

9. 2000 йил ҳосилини маблағ билан таъминлаш учун Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасидан 1999 йил ҳосили учун берилган аванс бўйича қарзларни «Ўздаватхасаноатсотиш» уюшмаси корхоналарининг бюджетга ўз вақтида тўланмаган тўловлари таркибини ўзгартириш йўли билан Молия вазирлигининг 2001-2002 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тенг улушларда тўланадиган кредитга қайта расмийлаштирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги айрим хўжаликларга Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси билан биргаликда мазкур қарор билан белгиланган харид нархларидан келиб чиққан ҳолда илгари тузилган контрактация шартномаларига ўн кун мuddатда тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишини таъминласинлар;

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.С.Ҳамидов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.М.Олимжонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2000 йил 4 март

И.КАРИМОВ

УРГАНЧДА НАВРЎЗ НАФАСИ

Умумхалқ байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш тадбирлари йил бошидаёқ эълон қилинган эди. Хусусан 14 март алоҳида қайд этилиб, шу кунни шаҳар миқёсида ободонлаштириш ва кўкназорлаштириш шанбалиги ўтказиш белгиланган. Байрам ўтадиган Жалолидин Мангуберди, А.Баҳодирхон, Ал Хоразмий, А.Утар, Оғаҳий хийбонлари ва бошқа кўплаб кўчалар, маҳаллалар ҳозирда ноқ байрамона тус олмақда. Бош хийбонда амфитеатр қуриб битказилаётир.

Шу кунларда маҳалла-

Олтинсой тумани дехқонлари ҳам ҳар йили баҳорги ишларни бошлашдан олдин кекса дехқонлар - отахон ва онахонлар дуосини оладилар. Бу йил ҳам шундай бўлди. Кўп йиллар бригада бошлиги бўлиб ишлаган Рашид ота Манасов ва Абдунаби Ҳамидовлар дехқонлар ишига оқ фотиҳа бердилар. Илоҳим отахонлар дуоси ижобат бўлсин. Хирмонларимиз донга, дастурхонимиз ризқ-рўзга тўлсин.

Бахтиёржон ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.



безайди.

Марказий майдонда саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси билан бир қаторда шаҳар меъморлари дам олиш шароитларини янада яхшилаш юзасидан кўргазмалар чиқариш қиладилар. «Лаззат» жамоа корхонаси хийбон ва кўчаларда бир-бирдан мазали таомлар савдосини ташкил этадилар.

Тўй - болаларники, деган нақл бор халқимизда. Бинобарин Наврўзни ҳаммамиздан ҳам улар орзиги куттишмоқда. Жалолидин Мангуберди кўчасида байрам кунни шаҳар

мактаблари ўқувчилари томонидан тайёрланган турли хунарманлик ишлари кўргазмасига кенг ўрин берилди.

Айни кунларда саховат ва меҳр-муруват одамлари қалбида чуқур из қолдирмоқда. Кам таъминланган ёки боқувчисини йўқотган етим-есирлар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олинмоқда. Кези келганда айтиш лозимки, бу тадбир учун ҳар йилгига қараганда кўпроқ маблағ ажратилган бўлиб, боз устига хомий ташкилотлар янги-янги ташаббуслар билан чиқишмоқда.

Байрамни халқ ўйинлари ва спорт мусобақаларисиз тасаввур этиш қийин. Шу боис Наврўз муносабати билан жойларда қизгин тайёргарлик давом этмоқда. Хусусан, шу кунни шаҳардаги «Спартак» ўйингоҳи томошабинлар билан лиммо-лим тўлиши кутилмоқда. Оламга донги кетган миллий кураш мусобақаларидан ташқари, ҳўроз ва қўчқор уруштириш каби кўнгилочар ўйинлар ҳам ўтказилади.

Зеро, қаерда халқ мазмунли дам оқса, ўша ерда иш унуми юқори бўлади.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

СОҒЛОМ АВЛОД - ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда ҳисоб келаётган ёш авлодлар ҳар томонлама камол топтириш, жисмонан кучли, руҳан тетик, маънавий соғлом этиб тарбиялаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Республикаимизда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Соғлом авлод» давлат дастурининг кенг қўламада амалга оширила бошлангани эса бунинг яна бир яққол далилидир. Пойтахт вилояти фаолларининг Бўка туманида бўлиб ўтган йилгилишида мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Тошкент вилоят йилгилиши очар экан, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш Республика комиссияси йилгилишида сўзлаган нутқидан ўртага қўйган долзарб вазифалар, хусусан, бу борада белгилаб берган асосий йўналишлари барчамиз учун муҳим дастурликам бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Йилгилишда дастурни изчил амалга ошириш бўйича махсус ишчи гуруҳлар тузилди. Вилоятда ҳар оининг биринчи пайшанбаси «Мактаблар ва боғчалар кунини» этиб белгиланди.

Н.ДУШАЕВ, УЗА мухбири.

ОРТИҚЧА ИШЧИ КУЧЛАРИ

янги корхоналарга

Сурхондарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлашда «Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш» бошқармаси ҳамда унинг туманлардаги бўлимларининг ҳиссаси катта. Уларнинг кўмағида воҳода ишчилар сони тобора камаймоқда. Бу ҳақда мазкур

бошқарма бошлиги А.ЧОРИЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди: — Бизнинг асосий вази-фамиз ишсиз фуқароларни рўйхатга олиш, ишга жойлаштириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишидир. Аҳоли бандлигини ошириш ва ишсизликнинг олдини олиш мақсадида «Бандлик» дастури қабул қилинди. Ана

шу дастур асосида ўтган йили 33778 та янги иш жойи яратилиши режалаштирилган. Жойлардаги ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар сайёҳақати натижасида бу топшириқ 35199 тага етказилди. Йил давомида туманлардаги бўлимларимизга 16062 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилди.

Уларнинг 11303 нафари ўз касб-корига қараб ишга жойлаштирилди. Шулардан 541 нафар фуқаро касб ўрганишга жалб этилди. Айни чоғда ўқишни тугатган 423 нафар киши иш билан таъминланди. 1347 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди. Аҳолини ишга жойлаш-

тириш, иш сўраб мурожаат қилганларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи кун тартибидан энг долзарб вазифалардан бири ҳисоблангани учун ҳам бултур иш сўраб мурожаат қилганларнинг 82,1 фоизи ижтимоий ҳимоя қилинишига эришилди. Жойлардаги бўлимларимиз ҳисобидан 1565 нафар ишсизга нафақа тўланди. 306 нафар фуқаро эса пенсия ёши арасидадан ишдан маҳрум бўлганлиги учун имтиёзли қариллик нафақа-

сига чиқарилди. Меҳнат Кодекси ва «Аҳолини иш билан таъминлаш» қонуни талабларининг вилоятимизда бажарилишини назорати бўйича давлат, меҳнат, ҳуқуқ нозирлари фаолияти ҳам самарали бўлди. Улар томонидан жами 652 та текшириш ўтказилди. Текширувлар натижасида 257 нафар мансабдор шахсларга ёзма кўрсатмалар берилди. Меҳнат қонунини қўпол равишда бузган 222 нафар

Сухбатдош: Рустам ДАВЛАТ.

ТАШАББУСКОРЛАР КАФИЛИ, СУЯНЧ ТОҒИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗДИР!

Малик ака иккинчи гуруҳ ногирони. Бирок иродали, ҳаётни севадиган, хамиша эзгуликка интилиб яшайдиган инсон. Автотранспорт ҳалокати туфайли у қаттиқ азият чеки, шербилак йигит ногиронга айланди. Бирок юрак жўшиб турса, Яратгандан чин ихлос билан орзулар ушалишни сўраса албатта ниятига етати киши.

ЮРАК ЖЎШИБ ТУРСА

Оққўрғонлик тadbиркор Малик Каримов ҳаракати билан бешта тегирмон, ташландиқ ерда теракзор барпо этилди

Уша оғир кезларда Малик ака: агар фарзандларим бахтига омон қолсам, бутун умримни эзгуликка, бунёдкорликка бахшида этман, деб ният қилганди. Қадрдонларини ёнига олиб, астойдил ҳаракат қилди. Омилкорлик, ташкилотчилик кўрсатиб, иккита ун, иккита шоли оқлаш ҳамда омухта ем тегирмонларини куриб ишга туширди. Бу қишлоқ кишиларига қулайликлар яратди. Вақт ўтиши билан тadbиркор яна бир хайрли ишга қўл урди. Яъни, ташландиқ бўлиб ётган майдонни ўз ихтиёрига олиб, соғирдлар билан қаттиқ меҳнат қилди. Ерни обдон тозалаш, маҳаллий ўғитга тўйинтирди. Яхши ният билан терак экди. Мана, ҳозирги кунда 3 минг тул терак барқ уриб ўсмоқда.

— Хайрли ишга қўл урганимизда кўпчилик ишонқирамагани, - дейди Малик ака биз билан суҳбатда. - Ташаббусга тўғаноқ бўлганлар ҳам топилди. Бирок бора-бора пировард натижани кўрган кишилар тан беришга мажбур бўдилар. Интилганга толе ёр, деб бекорга айтишмайди.

М.МИРКАМОВА, К.БОЙМУРОВА, «Ишонч» мухбирлари.

«АРМУҒОН» ОДИМИ

Мохир ташкилотчи Абдор Жабборов банкрот бўлган фабрика базасида янги корхона ташкил этиб, уни изчил ривожлантиришга эришди.

Бозор талаби қатъий. Рақобатга дош беролмаган корхоналар охир-оқибат синади. Бирок Сиёб туманидаги зарур рўзгор буюмлари ишлаб чиқарадиган фабрикада иш орқага кетади деб ҳеч ким уйламагани. Унинг раҳбару мутахассислари бозор шароитида ишлашга ўзларини тайёрлаш олмадилар. Фабриканинг замонавий жиҳозлар билан таъминлаш хусусида вақтида беш қотирилмади. Оқибатда барча ҳавас қиладиган жамоа инкирозга юз тутди.

Хўш, энди нима қилиш керак? Катта маблаг сарфлаб бунёд этилган цехлар нахотки хувилаб қолса? Ана шундай нозик бир пайтда асл тadbиркор Абдор Жабборов ва қатор мутахассислар кўпчилик жони-

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Дехқон-фермер Худойберган Бобоҷонов вилоят рўзномасида «Қанд лавлагидан мўлҳосил этиштириш йўллари» сарлавҳали мутахассис мақоласини синчиклаб ўқиб чиқди-да, ўйлаб қолди. «Меҳнати пахта этиштиришга қараганда енгил, даромади кўп. Бахтимизга йил яхши келса чўмич ҳам мой, қозон ҳам... Бунинг устига бу экин енгил, қанқон тупроқда яхши ўсар экан. Хўжалигимиз ерлари худди шундай. Лекин бу экин ҳали воҳа тупроқларида янги»

Шундан кейин фикрини фермер хўжалиги аъзоларига айтди:

- Еримизда ғўза яхши ривожланмапти. Сўга, шунингдек қуриётган Орол тубидан учиб келаятган турли хил пестицидлар аралашган тузли чангллар ғўза майсаларини сийрақлатиб қўймоқда. Агар бу йил қанд лавлага эксак, алмашлаб экиш схемасига ҳам риоя қилган бўларди. Унинг бу гапи барчага маъқул тушди.

Шундай қилиб, Кўшкўпир туманидаги «Довуд» фермер хўжалигининг 9 гектар ерига қанд лавлага экилди. Янги экинни ўзига хос агротехник талаблари бор эди. Фермер Х. Бобоҷонов ўзи ўқиб ўрган-

ОМИЛКОР ДЕҲҚОН

таваккал қилишдан чўчимади

ганларини, хўжалик аъзоларига ўргатди. Иш агротехник қоидалар асосида ташкил қилинган. Қанд лавлага ўғитга талабчан экан. Шунинг учун олдин маҳаллий, сўнгра меъёрида минерал ўғит берилди. Ҳосилни тўлиқ ундириб олиш учун барча чоратadbирлар кўрилди.

Маълумки, ёзда ҳаво ҳарорати кўтарилиб кетиб, дала заҳирамасига дош бериш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Хоразмда деҳқонлар тонг саҳардан ўн бир-

Ерга эгаллик ҳисси

ларгача, кейин соат 15 дан қош қорайғонга ишлашга қўниқиб қолганлар ва шундай пайтда ишлаб чарчамайдилар.

Фермер Худойберганнинг ўзи ҳаммадан барвақт уйғониб, далага келади. Ишни режалаштириб олган, фермер аъзоларига иш тақсимлаб чиқади. Зарур бошқа иш-

мом, эски тос!

Самарали меҳнат ва изланишлар ўтган йили хўжаликка катта даромад келтирди. Қанд лавлагидан вилоятда рекорд, ҳосил олинди. 9 гектар ердан 527 тонна лавлага йиғиштириб олинди, шартномавий режа 108 фоизга бажарилди. Ҳосилдорлик ҳар гектар

ди. 1998 йили эса бугдойдан олинган ҳосил 53 центнер, пахтадан эса 31 центнерни ташкил этди. Ўтган йилги қанд лавлагидан олинган соф даромад икки йилда фермер хўжалиги олган даромадга қараганда кўпроқ бўлди. Шу боис туман ҳокимлиги хўжаликни «Дамас» автомобили билан муқофотлади.

Ҳозир фермер хўжалиги имкониятлари янада кенгайди. Янги техника сотиб олинди. Битта «Алтай Т-4» трактори, юк автомобили, «Т-28» трактори улар хизматида.

Яқинда фермер Бобоҷонов ўз ҳисобидан 100 килограмм шакарни кам таъминланган оилалар ва ногиронларга тортиқ қилди.

Фермер хўжалигининг 5 нафар аъзоси бўлиб, булар асосан Бобоҷоновнинг фарзандларидир. Бу йил фермер хўжалигига яна 15 гектар ер берилди. Яна 8 нафар янги ишчи ишга қабул қилинди.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

МУСТАФО ПОЛВОН ЯРАТГАН БЎСТОН

Тadbиркорлик ишларини амалга оширишга астойдил бел боғлаб ишга киришган Мустафо Файзуллаев қисқа фурсатда фермер хўжалиги имкониятларини намоиш этди. У кўплаб хайрли ва савоб ишларнинг ҳам бошида турибди. Мактаб ўқувчилари, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа юмушлар шулар жумласидандир.

Одамларда мулкка нисбатан эгаллик ҳисси уйғони. Улар Файзуллаевлар оиласига эргашиб, кам бўлмасликларини англай бошладилар. Тўнғич ўғли Тўймуроджон техника таъминоти ва унинг бир маромад ишлаши учун жаббарликни ўз зиммасига олган бўлса, Отабекжон дала-деҳқончилик юмушларига қаради. Ойбекжон эса қорва туёқ сонини ошириш ва унинг махсуддорлигини кўпайтириш ҳақида кайғурди.

Мустафо ака эса умумий ишни янада жадаллаштиришни қўлаб елиб-югурди. Пировард натижага бўлган қизиқиш ўзгара борди. Жамоада қарор топган ҳамжиҳатлик, соғлом муҳит, ишчанлик қайфияти тез орада ўзининг самараларини бера бошлади.

Аваллига 36, кейинги йили 40, бултўр 45 центнерга етказиб пахта ҳосили олинди. Бошқоқ дон экинлари ҳосилдорлиги 70 центнердан ошди.

Мустафо ака билан суҳбатимиз жараёнида шу нарсага иқдор бўлдики, тўқилликка тезроқ етиб олишимиз учун юртимизда бундай тadbиркорлар сафи тўхтовсиз ошиб бориши керак. Чунки маъмурилик омондан тушмаслиги аниқ.

— Ўтган йилни 16 миллион сўмлик даромад олиш билан яқунлаган бўлсак, амалдаги йилда бунданда юксак режаларни қўллашимиз, - дейди у. - Чунки 90 гектар ерга чигит қадаб, гектаридан 50 центнердан ошириб пахта топширишга бел боғлаганмиз. Кузги дон экилган майдонлардан 340-350 тоннагача галла олиш ниятимиз бор. Сўт этиштиришни 40 тоннага, гўштни 20 тоннага етказиш имкониятлари мавжуд.

Келажақда қишлоқ хўжалик махсудотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни ишга тушироқчимиз. Шунинг учун яқинда қисқа фурсатли 5 миллион сўмлик кредит олиш юзасидан ҳужжатларни топширдим. Бу маблаг имкониятларимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

БАХТИ БАРКАМОЛ ЁШЛАР

Самарқанд тиббиёт институтида талабаларга қўшимча имтиёзлар яратилди

Институт талабалар касабасида ўз сафига 2500 дан ортиқ ёшларни бирлаштирган. Бугунги кунда бу ерда ижтимоий сўғурта, спорт-соғломлаштириш, маданий ва оммавий ишлар, оқ-атлантиришни ташкиллаштириш ва назорат қилиш, транспортдан имтиёзли фойдаланиш, ўқув-ишлаб чиқариш комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, ижтимоий сўғурта комиссияси 121 нафар ёрдамга муҳтож, талабаларга моддий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, ўқишда, спорт ва жамоат ишларида ўзини кўрсатган йигит ва қизлардан 62 нафари рағбатлантирилди. Узоқ вилоят ва туманлардан келиб таълим олаётган 480 нафар талаба эса бепул ётоқхона билан таъминланди. Бугунги кунда 600 ўринга мўлжалланган ётоқхонада маънавият ва маърифат хонаси, тиббий пункт, дам олиш, спорт, кир ювиш - қуришти, қизлар гигиена хоналари, буфет, дўкон, ўқув заллари мавжуд. Ҳар бир қаватга радио, телефон ҳамда телевизор ўрнатилган.

Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятимизда катта ўрин тутди. Миллий спорт ўйинларимизни тиклаш, оммалаштириш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб бориляпти.

230 га яқин талаба ёшлар қатнашаётган 12 та спорт секцияси мунтазам ишлаб турибди. Тиббий пункт шифокорлари ёшлар соғлигини мунтазам назорат қилиб турадилар. Шунингдек, йил давомида 11 нафар талабага республикамиздаги санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди. 78 киши эса институт клиникаси бўлимларида даволанди.

Институтда ёшларнинг маданий дам олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида маданият уйи, «Наргиз» вокал-чоғлу ансамбли, Диск клуб, «Кувноқлар ва зукколар» гуруҳларининг роли катта. Бундан ташқари, шу йил «Талабалар театри»ни ташкил этиш ниятимиз бор.

Юртимизнинг машҳур кишилари - шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан талабалар ўртасида жонли мулоқотлар, учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Хусусан, Абдулла Орипов, Хосият Бобомуродова, Мирза Холметов, Обид Асомовлар билан бўлиб ўтган учрашувлар талабалар ҳаётида унутилмас кунлар бўлиб қолди.

Асад ИТОЛМАСОВ, Талабалар касабаси бўлими раисининг ўринбосари.

Бугуннинг гапи

лан фермер хўжалиги фаолиятига тўсиқ бўлишгаётганини қандай баҳолаш мумкин?

— Масалан, сўғориш учун мавсумда кераклигича сув ажратилган бўлишига қарамай, ариқларни бўғиб қўйишди, - дейди фермер Ҳамро Худойбердиев. - Натижада кунига 1,5-2 гектар май-

ишлаб топган пуллари ҳисоб рақамларига вақтида келиб тушмай сансалорлик қилинишига қарамай «Ёшлик», «Марварид», Жонибек бобо, Қўшмурод фермер хўжаликлари ҳар гектар лалмикор майдондан яхшигина ҳосил этиштиришда аввало уруғлик, ўғит, ёнилғи, техника вақтида ажратилиши керак. Қолаверса, 10-20 гектарлик

майдонлар эмас, дашдан мақсадли қилиб 40-50 гектар яхлит майдонлар ажратилиши керак. Ана шундагина фермернинг қосаси оқаради, имконияти кенгайди.

НАВОИЙ. Хатирчи туманидаги «Забардаст» хиссадорлик жамияти ҳам оғир иқтисодий танглики бошидан кечир-

ров ана шу ҳолатда қабул қилди. Ҳозир у хиссадорлик жамиятини наслчилик хўжалигига айлантириш, сутни қайта ишлаш цехи, савдо дўкони, қассобхона ташкил қилиш ниятида. Ният эзгу. Лекин «ҳолва деган билан оғиз чўчимайди».

— Бунинг учун таннархни камайтириш чорасини кўриш лозим, - дейди Нормўмин Бозоров. - Озуқани олайлик, Когондан 180 километр масофадан ташиб келамиз, бир килограмм ем қанчага тушишини ўзингиз ҳисоблайверинг. Мавжуд техникаларни юргизиш учун эҳтиёт қисм сотиб олиш жуда қимматга тушмоқда. Қанийди, фермерларга ҳам техник хизмат кўрсатиш амалий йўлга қўйилса.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ЯПОНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

«Ўзбекистон темир-йўллари» хиссадорлик компаниясининг халқаро алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Япониянинг нуфузли «Марбени Корпорейшн» компанияси билан ҳамкорлик ҳам яхши самаралар бермоқда.


Ана шу ўзаро келишувга биноан темир йўл транспортини модернизациялаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Тошкент вагон таъмир заводининг қурилиши ҳам нур устига аёло нур бўлди.

Маъмур корхонани тиклаш учун бир миллиард 200 миллион сўмлик маблаг ажратилди. Қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда «Ўзбекистон темир-йўллари» компанияси ўз зиммасига олди. Корхона учун зарур жиҳозлар йўловчи вагонлар ҳамда эҳтиёт қисмлар эса Япония компанияси томонидан етказиб берилди. Шунингдек, мутахассисларни ўқитиш ишлари олиб борилади. Шу мақсадда бир гуруҳ ўзбек мутахассислари Германиядаги «Амендорф» корхонасида ўз малакаларини оширди.

Шу йилнинг ўрталарига бориб йўловчи вагонлардан 25 таси Тошкентга олиб келинади. Вагонларни таъмирлаш учун ишлатиладиган эҳтиёт қисмлар учун 4,5 миллион доллар миқдорда маблаг ажратилди.

Янги корхона шу йилнинг охирига бориб, ўзининг дастлабки махсудотларини ишлаб чиқаришга киришади.

Ақбар АЛИЕВ.



САМАРҚАНД. Иштихон туманида айни кунда 450 дехқон-фермер хўжалигари фаолият кўрсатмоқда. Шундан 40 таси қорвачиликка ихтисослашган, ажратилган 5065 гектар майдонда ўтган йили иштихонлик ишбилармонлар 6918 тонна пахта, 930 тонна галла этиштиришди. 38,7 тонна гўшт, 418 тонна сўт ишлаб чиқаришди. Чўчкачилик, паррандачиликни ривожлантиришда ҳам дастлабки қадамлар қўйилди. Бирок дехқон-фермер хўжаликлари етарлича гамхўрлик кўрсатилмаптими, уларда иш шу куннинг талаблари даражасида ташкил этилганми? Бу ерда бир шартли молга 0,34 гектар озуқа майдони тўғри келгани боис гўшт, сўт этиштиришда қийинчиликларни юзга келтиряпти.

Туман раҳбарлари бу кичлар қаноатлантириш борда албатта ишни намунали ташкил этган фермерлар бизда ҳам бор, дейишлари тайин. Саидрасулов номили фермер хўжалиги ўтган йилни 3 миллион 700 минг сўм фойда билан яқунлаган, республика «Фермер-99» танловида 3-ўринни эгаллади. Лекин фермерни кўрсат-

зарардан қутулиш учун сўт, гўштни қайта ишлаш кичик корхонаси қуришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунинг учун тегишли ташкилотларнинг амалий ёрдами керак.

Туманнинг Алишер Навоий номили хўжалиги худудидаги Охунжон Файзиев номили фермер хўжалиги ўтган йили иш

ФЕРМЕРНИ ЎЙЛАНТИРГАН МУАММО

башлаган бўлишига қарамай, 18 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан пахта ҳосили этиштирди. Ваҳо-ланки, шу худудда жойлашган хўжаликда бу кўрсаткич зўрға 25 центнерга етди, холос. Лекин хўжалик раҳбарлари ёрдам бериш у ёқда турганича юқори. Бинобарин,

дони зўрға сўғорган пайтларимиз бўлди, ҳосилдан ютқаздик.

«Ёшлик» фермер хўжалиги Пайриқўй туманидаги «Халқобод» хўжалиги худудида, лалмикорликда, оғир шариотда меҳнат қилаётган жамоалардан биридир. Уруғлик, ўғит, ёқилғи ажратилишмаслиги, ҳатто ўзлари


бўлган «Халқобод» хўжалигида бу кўрсаткич зўрға 5 центнер бўлди.

— Лалми майдонда ҳам 15-20 центнер галла олиш мумкин, - дейди фермер Яллабой Нурридидов. - Бунинг учун аввало уруғлик, ўғит, ёнилғи, техника вақтида ажратилиши керак. Қолаверса, 10-20 гектарлик

моқда. Гарчи акциядорлик жамияти деб номланган бўлса-да, бирон дон ҳам акция чиқарилмаган. Сўт таннархи анча қимматга тушмоқда. Гўшт ишлаб чиқаришда ҳам белгиланган режада бўлмапти. Қосим Раҳматов номили хўжалик худудида жойлашган жамиятни Нормўмин Бозо-

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

*Азиз Ва муҳтарам оналаримиз, она-сингилларимизни
Халқаро хотин-қизлар кунини 8-Март байрами билан
муҳоракбод этади!*



«Соғлом авлод йили»да
барчангизга мустаҳкам соғлиқ-
саломатлик, аъло кайфият,
оилангизга бахту саодат
тилайди!

**Гўзаллик, омад ва
муваффақият Сизларга
ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!**



Энг бебаҳо бойлик — саломатлигингизни
мустаҳкамлаш, мазмунли дам олишингиз учун
йилнинг барча фаслларида республикамиздаги
оромбахш шифо масканларимиз сизга мунтазир.





Анджон шаҳри мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада чирой очди. Бу ерда ҳозир ҳам замонавий турар-жой бинолари, корхоналар, ўқув муассасалари қад ростламоқда.

Шаҳарда иш бошлаган маиший хизмат касб-хунар лицейи ҳам шаҳар хуснига хусн қўшди. 300 ўринга мўлжалланган коллеж радио-телеустанлари уй-рўзгор буюмларини таъмирловчи усталар, тайёрлаб чиқаради. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, коллежда талабаларнинг билим олишлари учун барча шароитлар бор. Хоналар замонавий усулда жиҳозланган.

Ўқув масканда спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Шуҳрат Айсбаев Венгрияда бўлиб ўтган катратэ бўйича болалар ва ўсмирлар мусобақасида бронза медалини қўлга киритди.

Суратларда: 1. Талабалар маънавият марказида. 2. Коллежнинг умумий кўриниши. 3. Компьютер хонасида.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«МАКТАБ-ОИЛА-МАХАЛЛА»

дастурининг ўзак қисмларидан бири бўлган ўқувчилар саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса оилада ота-оналарнинг ўзлари саводхон бўлиши керак. Чунки бола кунинг энг кўп, қисмини оилада, ота-онаси билан биргаликда ўтказади. Агар ота-она саводхон бўлса, демак оилада болалар учун яхшигина муҳит яралади.

Шу мақсадда Сирдарё вилоятининг Ок олтин туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчилари хайрли бир ишни бошлади. Яъни, бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарини лотин алифбосига ўқитишмоқда. Чунки бу ёзувдан беҳабар ота-оналар фарзандларини уйда назорат қила олмасдилар.

Ўтган бир ой давомида 40 нафар ота-она янги алифбони тўлиқ ўзлаштириб, ўқувчилар саводхонлигини оширишга самарали таъсир қилаётди. Энг муҳими, Гулчехра Ҳақимова ва Жамила Имомова каби иқтидорли ўқитувчилар сабоқ бераётган бу курслар бепул бўлиб, у ота-оналарда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ.

Мерос

Ўтган йили Парижда, ЮНЕСКОнинг Бош қароргоҳида «Олтин мерос» жамғармасининг тақдимоти ўтказилганди. Дунё ҳамжамияти вакиллари Ўзбекистонда мерос билан шугулланувчи алоҳида жамғарма борлиги таҳсинга сазовор эканлигини эътироф этдилар.

«Туркистон-пресс» мухбири Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси фаолияти хусусида жамғарма бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али билан суҳбатлашди.

АБАДИЯТ НУРИ

— Жаҳон халқлари маданияти саҳнасида ҳар бир халқ маданий мероси, маданияти билан алоҳида ўрин тутди, — дейди Мухаммад Али. — Шунинг таъкидламоқчи-манки, биров тошда тугилади ва шу тошни Ватан дейди. Бошқа бир одам эса музда тугилади — музни Ватан атайди. Яна бошқа киши эса чўлда тугилиб, уни Ватан деб билади. Халқимиз бахти кулган халқдир. Бахтимиз шундаки, ажиб бир жаннат диёрда дунёга келганмиз.

Ҳар бир маданиятнинг қадимийлик даражасини белгилувчи унсур унинг мероси ҳисобланади. Бир эътибор беринг, Марказий Осиёдаги энг кўна шаҳарлар бизнинг диёримизда бунёд этилган. Шаҳарларки қадимий экан, халқ мероси ва маданияти ҳам асрларга тенгдош ҳисобланади.

Маданият гуллаб яшнаган заманимиздан буюк бобоклонларимиз етишиб чиққанлар. Имом ал Бухорий, Абу Наср Фуробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Баҳовуддин Нақшбанд, Амур Темур, Алишер Навоий, Улуғбек, Бобур, Имом ал Мотуридий... Уларни санаб, саногига етолмаймиз.

Жамғарма биринчи галда уларнинг ҳаётини ўрганиш, асарларини кўз қорачигидек сақлаш, сойти олиш, халқнинг мулкига айлантиришни мақсад қилган. Буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодига оид фильмлар яратиш, китоблар чикариш ҳам жамғарманинг фаолият доирасига қиради.

— 1999 йилда амалга оширилган ишлар хусусида нималар дея оласиз?

— Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида эски Бонакат харобалари бор. Унинг ёши 600 дан ошган. Чингизхон кўшинлари шаҳар ахли қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, бу қалъани вайрон қилдилар. Орадан йиллар ўтиб бобомиз Амир Темур ушбу манзилда янги шаҳар қурдириб, ўғилларининг номи билан Шохруҳия дея атайдилар. Шу жойда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Абадиёт нури» номли тадбир ўтказдик. Бу сарҳадларда Амир Темур боғини барпо этиш учун вилоят ҳокимлиги жамғармага 13 гектар майдон ажратиб берди. Ушбу боғга дастлабки кўчатлар ўтказиш бошлаб юборилди. Шунингдек, Шохруҳияда «Темурийлар тарихи Давлат музейи» билан биргаликда археологик қазималарни бошламоқчимиз. «Абадиёт нури»нинг анъанавий рақиблари ҳар йили ўтказишга қарор қилинди.

Республика вилоятларида «Мерос ва ёшлар» туркумидаги учрашувлар ташкил қилиш режалаштирилган эди. Асосий вазифа, меросимиз билан ёшларни таништириш, қалбларига сингдиришдан иборат эди. Бундай учрашувлар Фарғона водийси ва Самарқандда ташкил қилинди.

Жамғарма қошида «Муножот» миллий мумтоз рақс дастаси тузилиб, унга Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмухамедова раҳбарлик қилаётди. Даста раққосалари устоз санъаткорларимиз яратиб кетган рақс унсурларини ўзгартирмаган ҳолда янгитдан ижро этадилар.

Жамғармада «Мерос-фильм» студияси мавжуд бўлиб, «Ҳаким ат Термизий» номли етти қисмли видеофильм тайёрланди ва намойиш қилинди. Уни суратга олишда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги катта ёрдам берди.

— Одатда, йил бошида келгуси режалар белгилаб олинади. «Олтин мерос» янги йилда қандай тадбирларни амалга оширишни мўлжаллайти?

— Анджон вилояти ва Қўқон шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда хассос шоира Нодирабегим ҳаёти ва ижоди ҳақида янги фильм яратиш режалаштирилган. Наманган вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Машрабга бағишланган фильм тайёрланади.

Ўзбекистон телевидениесидаги «Санамлар сарвари» кўрсатувини янги руҳда тайёрлашни қилишди. Бу борада жамғарманинг «Маърифат ва тарбия» маркази фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Соғлом авлод йили»га бағишлаб Халқаро болалар фольклори фестивалини ўтказмоқчимиз. Тадбир ЮНЕСКО билан биргаликда ташкил қилинади. Унда «Экосан» жамғармаси ҳам ҳамкорлик қилиши истганини билдирган. Бундан ташқари, бу йил аллома Насафий, Бурхониддин Марғилоний ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий анжуманларни ўтказишни режалаштирганмиз. Зеро, ота-боболар меросини ўрганган, уларни эъзозлаган инсонлар ҳеч қачон эл назаридан қолмайди.

«Туркистон-пресс»

ЧОЙ ТАРИХИДАН

Чой сўзи бошқа халқлар тилига Хитой тилидан кирган. У Кантон шеvasида чява ча деб юритилган.

Чой Хитойнинг жанубий вилоятларида тье (ёки тай) деб таллафуз қилинади. Немисларда тее, инглиз тилида ти, французларда тэ деб ёзилади.

Эрамизнинг IX асрларидан бошлаб Хитой билан Урта Осиё орқали савдо олиб борган Яқин Шарқ мамлакатларидан Кичик Осиё, Арабистон ва бошқалар чой сўзини ша деб юритганлар.

Чой ҳақида аниқ, ишонарли фикрлар Эрамизнинг 350-йилида Куо-Пью педиклуғатида берилган. Японияга чойни VIII асрда Хитой бонзалари (монархлари) келтирганлар.

Араб тилида ёзилган асарларга қараганда, биринчи мартаба чой тўғрисида Эрамиздан аввалги 850-йилларда хабар берилди. Биринчи мартабада чой ҳақидаги маълумот Европага 1517 йилда бориб етган. Бундан биринчилардан бўлиб венециликлар хабардор бўлишган.

Бухоро шоири Шох Ниёз Бухорий «Чойнома» асарини ёзди. Бу асарнинг қўлёмаси Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланади.

Чой XVIII асрда Хитойнинг энг асосий экспорт молларидан бири бўлган. XIX асргача чойни чет элларга фақат Хитой давлати чиқарган.

Кейинчалик обхавоси Хитой обхавосига тўғри келадиган мамлакатларда ҳам чой ўстирила бошланди.

Акбар АЛИЕВ.

Маълумки, ота-боболаримиз азалдан отни энг яқин ҳамроҳ, сирдош сифатида ардоқлаб келганлар. Халқимиз орасида афсонавий учар отлар, улар кўрсатган мўъжизалар ҳақида турли ривоятному гапларнинг юриши ҳам худди ана шу муҳаббат туйғули.

Бирок, ўзларининг мислсиз маҳоратлари ила дунёга донг таратиб келган чавандозларимиз сўнгги бир-икки йил ичида имкониятлари даражасида ўзларини кўрсатолмаётдилар. Хусусан, от спорти бўйича терма жамоамиз ўтган 1999 йилда халқаро мусобақаларда анча паст натижаларни кўрсатди. Хўш, бу муваффақиятсизликларнинг сабаби нимада? Нега от спорти оқсапти?.. Яқинда республика от спорти федерациясида бу спорт турига дахлдор мутахассислар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ўтган йил яқунлари сарҳисоб қилинди.

— Биз ўз ишимизнинг бош котиби Равшан Саъдуллаев.— Умуман олганда ушбу спорт тури ривожини учун аввало чавандозларимиз ўртасида темир инжишлар билан шугулланувчи беш кишидан иборат комиссия фаолият юритиши лозимлиги қайд этилди. Бундан ташқари, йиғилган

ОТ СПОРТИ НЕГА ОҚСАЯПТИ?

Республика от спорти федерациясида бўлиб ўтган йиғилишда бу саволга жавоб берилди.

жонкуяри сифатида ҳамжиҳатликда бир ёқадан бош қариб астойдил ишласак, мақсадимиз йўлида ҳар қандай тўсиқларни энгиб ўтишимиз мумкин, — деди мутахассис Иброҳим Йўлдошев.

— Чавандозликнинг бошқа спорт турларидан мураккаб томони шундаки, унда жуфтлик, яъни чавандоз ва отнинг бир жисм каби биргаликдаги сайёҳаракати туйғайлигина галабага эришиш мумкин, — деди федерация

зом ўрнатиш, муносиб ўринбосарлар тайёрлаш, мусобақаларга отларни танлашда кучли эътибор лозим.

Йиғилишда ҳакамлар савиясини ошириш, бунинг учун турли минтақавий ва халқаро семинарлар ўтказиш, вилоятлардаги мутахассислар тажрибасини жойларда ўқув йиғинларини ташкил этиш орқали ўстириб бориш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бўлажак мусобақалар олдида федерация қошида ташкилий

лар от спорти ҳақида журнал нашр этиш ташаббуси билан чиқиб, бунинг учун имкониятлар етарли эканлиги хусусида тўхталишди.

Йиғилиш ахли, келгузи олимпиада баҳслари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ҳамда бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда чавандозларимиз Ватанимиз байроғини юксак кўтариб, аждодларимиз аънанасини давом эттирадилар, дея умид билдирдилар.

Ўқтам ХОЛИКОВ.

Футбол

«НЕФТЧИ» ВА «САМАРҚАНД» КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Куни кеча бўлиб ўтган мамлакатимиз биллур соврин баҳсларининг чорак финал беллашувлари серкўеиш юртимизга футбол мавсуми нафасини олиб келди. Наманган, Фарғона, Самарқанд ҳамда Тошкентда ўтказилган учрашувлар ҳақиқий футбол шодиёнасига айланди. Айниқса, барчамиз учун севимли бўлган «Пахтакор» ҳамда сўнгги йилларда ажойиб ўйинлари билан ўз мухлисларини тобора хушнуд этаётган Қаршининг «Насаф» жамоалари ўртасидаги учрашувга ташриф буюрган минглаб мухлислар ажойиб футбол спектаклини томоша қилдилар. Қаршилиқлар сафида Сергей Лебедев, Руслан Абдуллаев, Рўзкул Бердиев каби тажрибали футболчиларни кўриб жамоанинг янги бош мураббийи Баҳром Ҳақимовнинг шашти баландлигидан қувондик. Айнан шу футболчиларнинг сайёҳаракатлари туйғайли жамоа биринчи бўлимда устунликка эришди, кетма-кет ҳужумлар уюштирди. Бўлим охирида эса ҳисобни очди.

Иккинчи бўлим биринчи бўлимдан фарқли тарзда мезбонлар устунлигида ўтди. Ўз навбатида «Насаф» ҳам кўплаб хавфли қарши ҳужумлар қилиб турди. Учрашув тугашига икки дақиқача вақт қолганида мезбонлар жарима тўпи тепиб, ҳисобни тенглаштирдилар: 1:1.

Шу куни бўлиб ўтган «Навбахор» «Дўстлик» учрашувида ҳам дуранг натижа, 2:2 ҳисоби қайд этилди. «Нефтчи» ўз майдонида олий лиганинг янги вакили Ангренининг «Семург» жамоасини 4:0 ҳисобида мағлуб этган бўлса, «Самарқанд» механизми бўлган «Сўғдиёна» эса ўз дарвозасидан жавобсиз 7 тўп ўтказиб юборди. Мазкур натижаларга кўра фикр юритадиган бўлсак, агар «Самарқанд» ва «Нефтчи» кейинги босқич йўлланмасини нақд қилиб қўйган бўлса, «Дўстлик» ва «Насаф» ҳам 1/4 финалда қатнашиш учун яхшигина замин тайёрлади.

К. ОЛЛОЁРОВ.

Маънавият

Мана, йигирма йилдирки, Нукус шаҳрининг марказий кўчаларидан бирининг бўйида, осмонга бўй чўзган хашаматли иморатлар соясига сиқилиб қолган, деворлари нурай бошлаган бинога ҳар кўзим тушганда, юрагим алланечук жижиллаб кетади. Ахир, Қорақалпоғистон Республикасининг ноёб хазинаси - кутубхона ана шу «мунғайган» бинога жойлашган-да!

Куни кеча яна йўлим тушиб мазкур зиё масканига бордим. Кутубхона директори Қаршига Наврўзбоева, унинг ўринбосари Гулистон Абдуллаева ҳамда бошқа ходимларнинг чеҳраларида қувонч кўриб, хайратландим. Ахир, ҳар гал борганимизда улар қандайдир ўйчан юргандек туюлардиларда.

— Гулистон, бугун қай фи ятларингиз аёло-ку? Бирор воқеа юз бердимми? Ёки янги бино қуриб берадиган бўлишдими? — дастлабки саволим шу бўлди.

— Ҳа, топдингиз, бизнинг кўчада ҳам байрам бўладигандай...

Маълум бўлишича, Нукус шаҳрининг марказида жойлашган Ўзбекистон Республи-

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХАЗИНАСИ

унга муносабат қандай?

каси Давлат Банкининг Қорақалпоғистон бўлими учун бунёд қилинаётган иморат фойдаланишга топширилиш арафасида бўлиб, унинг эски икки қаватли биносининг бир қисми эса Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонаси ихтиёрига берилиш арафасида экан. Яъни, бу тўғрида юқори ташкилотларда аниқ гап-сўзлар бўлибди. Бу янгиликни айтиш, кўп сонли китобсеварлар қатори қувондик.

...Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонаси фойдаланиб турган бино 1936 йилларда қурилган. Кутубхона бу ерга 1958 йил кўчиб

келган. Саккиз хонаси бор. 52 нафар олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ходимлар 8 та бўлим, 4 та шуъбаларда 8 мингга яқин китобхонга хизмат кўрсатади. Китоб фонди эса ҳазир

лакам эмас, нақ 283811 донга. Ҳеч муноболагасиз айтиш мумкинки, ҳақиқий хазина!

Бу ерда, ҳар йили 60-70 марта учрашувлар, адабий кечалар, сингари йирик тадбирлар ўтказиб турилади. Хоналарда ўрин етишмаслиги боис, китобларни талаб даражасида саралаш, танлашнинг ўзи бир машаққат. Шаҳарда эса салкам 300 минг аҳоли истиқомат қилади. Устига-Устак мазкур даргоҳ Қорақалпоғистон Республикасидаги 17 та марказлашган кутубхоначилик тизими ва уларга қарашли 466 та овул

китубхоналарига услубий-библиографик жиҳатдан раҳбарлик қилиши лозим.

Ўрни келганда, эслатиб ўтиш жоиз: Оролбўйидаги бош кутубхона ўтган 1999 йили атиги 372 донга

китоб олди, холос!

...Шулар ҳаёлимдан кино лентасидек ўтар экан, юқори ташкилотлардаги мутасадди оқсоқоллар, кутубхонага ҳақиқий маънода ҳомийлик қилсалар, амалий кўмак берсалар нур устига аёло нур бўлар эди, деб ўйладим. Зеро, ҳар бир мутахассис, ҳар бир раҳбар - ўзлигини таниган барча инсонлар билимлар манбаи китоблар таратган зиёдан баҳраманд бўлишига шу даражага эришганини, унутишмас қандай соз бўларди!

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири, Нукус шаҳри.

Янги фильм тақдимоти

«Қаршифильм» ижодий марказининг ташкил этилганга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Қисса вақт мобайнида марказ ходимлари бир мунча ишларни амалга оширдилар.

Марказ ижодкорлари томонидан суратга олинган «Устуворлик», «Интилиш» фильмларидан сўнг, Қарши шаҳар тиш давлолаш шифохонаси шифокорлари фаолиятини акс эттирувчи «Мудом эъзоздасиз» деб номланган ҳужжатли фильм тақдимоти маросими бўлиб ўтди.

Фильм тақдимотида таниқли ижодкорлар, шаҳар ҳокимлиги вакиллари, журналистлар билан бир қаторда шифокорлар ҳам иштирок этиб, фильм ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

Бахтиёр Арабов сценарийси асосида тасвирчилар Баҳром Саидов ва Илхом Қаҳқоровлар суратга олишда ижодий ёндашганликлари боис фильм томошабинларга катта таассурот қолдирди.

Яқинда вилоят алоқчиларининг ҳаёти ақ этакдиган «Этиқод» номли ҳужжатли фильмни суратга олиш яқунланди. Мазкур фильм тақдимоти Наврўз байрами арафасида бўлиб ўтади.

Ш. СУЛТОНОВ.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

Телефонлар:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъруза: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида басди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий асоси 14.000 нуска. Сотувида эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона маъмули: «Буюк Тўрқ» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Буюртма Г— 204. 1 2 3 4 5 6